



НОКИМИ

ҲОКИМИ

Қ А Р О Р

2009 yil "30" сентябр

№ 1023-қ

Тумандаги «Каттакўрғонарик» қишлоқ фуқаролар йиғини «Туркман» маҳалласида яшовчи фуқаро Абдурахманов Абдусаматга тегишли уй-жойини бир қисмини савдо дўконига айлантириш ҳақида

Тумандаги «Каттакўрғонарик» қишлоқ фуқаролар йиғини «Туркман» маҳалласида яшовчи фуқаро Абдурахманов Абдусамат туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб туман ҳокимининг 2009 йил 23 июлдаги 754-қ сонли қарори билан унга тегишли уй-жойига эгалик ҳуқуқи тикланган бўлиб, ушбу уй жойини бир қисмини турар жой тоифасидан нотурар жой тоифасига ўтказиб беришни сўраган.

Юқоридагиларга асосан, фуқаро Абдурахманов Абдусаматга тегишли уй-жойига таёрланган туман ер тузиш ва кучмас мулк кадастри хизмати давлат унитар корхонасининг маълумотномаси ва барча тегишли ташкилотларнинг хулосаларини, оила аъзоларининг розилик хатлари ҳамда тақдим этилган ҳужжатлар тўпламини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Уй-жой кодекси»нинг 15-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Низомига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги «Каттакўрғонарик» қишлоқ фуқаролар йиғини, «Туркман» маҳалласида яшовчи фуқаро Абдурахманов Абдусаматга тегишли умумий 684,9 м.кв ер майдонида жойлашган уй-жойини қурилиш тагидаги ер майдони 360,36 м.кв дан иборат бўлиб шундан А3 литеридидаги 1-та яшаш хонаси 39,11 м.кв ва 1-та даҳлез 8,69 м.кв ни нотурар жой тоифаси (савдо дўкони)га ўтказилсин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан, туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси (Н.Бердиев)га, туман ер тузиш ва кучмас мулк кадастри хизмати давлат унитар корхонаси (Т.Шаропов)га, туман давлат солиқ инспекцияси (З.Аминов)га, туман статистика бўлими (Ж.Зарипов)га ҳамда тумандаги «Каттакўрғонарик» қишлоқ фуқаролар йиғин (О.Алиев)ларига фуқаро Абдурахманов Абдусаматга тегишли уй-жойини бир қисминини нотурар жой тоифаси (савдо дўкони)га ўтказилиши муносабати билан ўрнатилган тартибда рўйхатга олиб, тегишли ҳужжатларини расмийлаштириш ва туман ҳокимлигига ёзма равишда маълумот тақдим этиш вазифаси топширилсин.

3. Фуқаро Абдурахманов Абдусамат зиммасига: а) савдо дўконининг ташқи кўринишини лойиха асосида архитектура талабларига риоя қилган ҳолда бинони конструктив қисминини бузмаслик, санитария, гигиена ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш; б) кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ва гувоҳномасини олиш; в) тадбиркорлик фаолияти доирасида иш олиб бориш учун амалдаги қонунларга асосан, ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтиб, махсус гувоҳномага биноан ўз фаолиятини олиб бориш юклансин.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.С.Садуллаев